



ТОШКЕНТ ХАККИДАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 38 (9784)

1990 йил 23 февраль • жума •

Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилди: Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг биринчи сессияси 1990 йил 24 мартда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари
Тошкент шаҳри, 1990 йил 22 февраль.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилди: Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг биринчи сессияси 1990 йил 24 мартда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

МАМЛАКАТ МЕХНАТКАШЛАРИГА

Аниқ ўртоқлар!
Мамлакат ва халқнинг буян буюнги турмушини кўп жиҳатдан ҳал қилиб бердиган мамлакатимиз тарихидаги қийин пайтда КПСС Марказий Комитети сизларга мурожаат қилади.
Қайта қуриш тўғрисидаги жамиятимиз ўнлаб йиллар давомида биринчи марта сиёosat ва иқтисодийда, иқтимоий ва маънавий турмушда туб ислохот ўтказиш йўлига, маънавий покликни йўлга ўтиш имкониятига эга бўлди.
Демократик жараянлар оғишмай олга томон ҳаракат қилмоқда. Одамларда иқтимоий фаоллик, чуқур ижобий ўзгаришларга ташналик уйғонди.
Мамлакатда авж олиб кетган мунозара давомида жамиятимиз биносини бутунлай янгилаш тўғрисида, қундалиқ ташвишлар ва аҳтижларни ҳал қилиш ҳақида принципал гап бормоқда. Ҳозирги турмушимизда кўп нарсалар бизни қаноатлантирмайди, ташвиш тугдиради. Меҳнаткашлар ағасизлик ва ўқусизлик, масъулиятсизлик ва сунистеодик фантларга дуч келадиганларидан уларнинг газабландаганликлари яхши тунунарлидир. Совет кишилари кескин миллатлараро можаролар, экстремизм, социалистик қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни кўпол бузиш ҳождларидан ачирмоқдалар ва ташвишланмоқдалар.
Қандак бутун халқнинг куч-қудрати, пайсалга соймай қатъий куч-ғайрат сарфлашга мамлакатнинг ҳозирги мураккаб ҳожддан олиб чиқа олиши бизга мутлақо равшан. Аҳиллик ва ҳаракат бирлиги, қайта қуришни ҳимоя қилишга, социалистик янгиланиш йўлидан ишонч билан олға ҳаракат қилишга аҳду-паймон биз учун ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур.
Биз жамиятимизда қайта қуриш шорларини такрорлаб, аслида қайта қуришга ҳужум қилаётган, ўз гаразли манфаатларини, шўхратпарастлик мақсадларини кўзлаётган, «қанчалик ёмон бўлса шунча яхшироқ» принципини асосида ҳаракат қилиб, халқни граждан муҳолифлиги томон бошлаётган кишиларнинг ҳаждидан олиб кетишига

ва устун келишларига йўл қўя олмаимиз.
Бундай кишилар ҳамма нарсадан фойдаланмоқдалар: мавжуд қийинчиликлар ва нуқсонлардан ўз гаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар, одамларни зуравонликка, иқтисодий масъулиятсизликка ва гражданик қонуноқонларига бўйсунмасликка, давлат ва жамоат муассасаларига тавбиқ ўтказишга ундамоқдалар. Қабих эхтирослар ва ҳис-туйғуларни авж олдириш, партия, совет, хўналлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига, армиямизга тўхмат ва бўҳтон қилиш — ҳаммаси шармандаларча ишга солиномоқда.
Мамлакатда айни ана шундай экстремист кучларнинг таъсири билан кўпгина номойишлар бўлиб ўтди, бу номойишлар янгиланиш шорлари билан бошланиб, Совет ҳаракати парши даъватлар ва тартибсизликлар, безорилик хуружлари ва ўр-йиқитлар билан, одамлар бошига алам ва қайғу солиш билан тугади.
Биз ҳар қандай сафсатабозлар ва сиёosatбозларнинг демократияга қарши, қонунига қарши ҳаракатларига, уларнинг миллий ниёоқ соддишларига, кўпол тазийқ ўтказиш ва кўрқитиш усулларига, партия ва совет идоралари ва уларнинг ҳодимларини тушқунликка солишга уринишларига жамиятда душманлик ва шафқатсизлик, ташвиш ва ишончсизликни авж олдиришларига тоқат қила олмаимиз ва тоқат қилмаслигимиз керак.
Бундай йўл қўйиб бўлмайдиган ва тоқат қилиб бўлмайдиган хатти-ҳаракатлардир. Бундай хатти-ҳаракатлар қатъийан қораланиши керак.
СССР Олий Совети 20 февраль кунини қабул қилган баёнотида бугунги кунларни жамиятимиз немасини чайқатишга уринмаслик ҳақида оғождантирди, ҳужумат, жойлардаги совет идоралари зиммасига ҳар қандай митинг фақат ҳокимиятнинг руҳсати билан ўтқишини, совет қонунарига қатъийан ва оғишмай роя қилинишини қатъий назорат қилишни таъминлаш вазифасини юклди.
КПСС Марказий Комитети Олий Советнинг сиёсий ба-

нотини қўллаб-қувватлаб, барча партия ташкилотларини, мамлакатнинг барча меҳнаткашларини қайта қуришни ҳимоя қилишга, олий ҳокимият органи талабларини амалда рўйга чиқаришга чақиради.
КПСС Марказий Комитети коммунистлар ва партия-сиёсийлари, илчилар, деҳқонлар ва зиёиларни, касоба союзулари ва комсомолни, эркаклар ва аёлларни, ёшлар ва ветеранларни ҳамма жойда қонуни, демократия принципларини ераб бошбошдоқликка бошлаётган, можаролар, ниёоқ ва душманлик келтириб чиқараётган, жамиятда бекарорликни вужудга келтириётган кишиларга зарба беришга чақиради. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳуқуқ-тартиботга роя этилишини қатъий нузарат боришлари, конституцияга зид ҳар қандай ҳаракатларга қатъийан чек қўйишлари, одамларни ҳимоя қилишлари керак.
Меҳнат аҳлининг сўзи пираваридда ҳал қилувчи сўзлар, Марказий Комитет меҳнаткашлар ўзларини ушшоққили, иттизоми ва масъулият билан, қайта қуришга ҳақлиқ бераётганларга, қайта қуришни бунёдкорлик маромини бузаётганларга қарши курашдаги қатъийан билан мамлакатимизда партияни ташаббус билан бошлаган ўзгаришлар муваффақиятини таъминлайди, деб ишонч билдиради.
Мамлакатни ҳозирги мураккаб вазиятдан олиб чиқиш, уни иқтисодий ўсиш, иқтимоий жиҳатдан соғломлик, муносиб турмуш йўлига фақат масъулият ва соғлом фикр, қонунийлик, иттизом ва демократия, ҳалол меҳнат билангина бўриб юбориш мумкин.
КПСС Марказий Комитети социалистик Ватан йўлида, мамлакатдаги барча халқларнинг, бутун жамиятнинг фаровонлиги, ҳар бир оналда, ҳар бир оналда бахт-саодат бўлиши учун демократик асосда бирлашишга даъват этади.
СОВЕТ ИТИҒОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЙИГИРМА БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИНГ ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АХБОРОТИ

1990 йил 18 февраль кунини бўлиб ўтган йиғирма биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР халқ депутатлари област, район, шаҳар, шаҳарлардаги районлар, посёлка ва қишлоқ советлари депутатлари сайлови республикаси меҳнаткашлари қайта қуриш йўлини қўллаб-қувватлаётганликларини, иқтимоий ҳаётнинг барча соҳалари янгиланаётганлигини, демократия тантанасини ишонч билан намойиш этди. Сайлов ушшоққили билан, оёсийишта ва амалий вазиётда, ортиқча даббасиз ўтди. Ҳамма ерда республика, унинг ҳар бир регионини иқтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тўлғанди қолган муаммоларини барта-раф этишга, шу мураккаб вазифани уҳдасидан чиқишга қодир бўлган депутатларни сайлашга, советларнинг самарали ишини таъминлашга интилиш қайд этилди.
Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, Маҳаллий Советлари депутатлари сайлови тўғрисидаги қонунига тўла мувофиқ тарзда амалга оширилди. Сайлов кампаниясида фаол иштирок этган республика меҳнаткашлари янги сайлов қонуни замиридаги демократик дастурлардан кенг фойдаландилар. Бир қанча сайлов округларида бир ўринга бир неча номзод

кўрсатиш татминланди, депутатлик мандатини олиш учун иккита ва ундан ортиқ даъвогар бўлди. Номзодларнинг кўпчилиги гражданикнинг истиқомат жойларидан йиғилишларда, аҳолининг ташаббускор жамоат органлари, жамоат ташкилотлари томонидан кўрсатилди. Ҳаммаси бўлиб республика Маҳаллий Советларига 86,6 минг нафардан кўпроқ депутатликка номзод овозга қўйилди.
Сайловни ўтказиш учун 22632 та территориял ва округ сайлов комиссияси тuzилди, бу комиссиялар ишда жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ва килларидан ва гражданикларнинг истиқомат жойларидан йиғилишлар, намояндаларидан 192,6 минг нафардан кўпроқ киши қатнашди. Ушбу комиссиялар составида 87417 киши ёки 45,4 фоиз ишчилар ва колхозчилар; 66730 киши ёки 34,6 фоиз КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар; 74896 киши ёки 38,9 фоиз хотин-қизлар; 49754 киши ёки 25,8 фоиз 30 ёшга тўлмаган йигит-қизлар; 32139 киши ёки 16,7 фоиз ВЛКСМ аъзоси ишладилар.
Сайлов 10 та област,

148 та район, 124 та шаҳар, 17 та шаҳарлардаги район, 104 та посёлка ва 1245 та қишлоқ халқ депутатлари советларида ўтказилди. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, маҳаллий советлари депутатлари сайловини ўтказиш учун 73514 та сайлов округи, шу жумладан област советларида 2370 та район советларида сайлов ўтказувчи 11948 та, шаҳар советларида сайлов ўтказувчи 8170 та, шаҳарлардаги район советларида сайлов ўтказувчи 1543 та, посёлка советларида сайлов ўтказувчи 3611 та, қишлоқ советларида сайлов ўтказувчи 45872 та сайлов округлари тuzилди.
Қоракалноғистон АССР Олий Совети Президиуми, област ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетидан олдинга маълумотларга қўра, республика маҳаллий советлари депутатлари сайловига 9,376,454 нафар сайловчи ёки сайловчилар умумий сонининг 93,4 фоизи қатнашди.
Қишлоқ советлари депутатлари сайланди.
Сайловни ўтказиш чоғида ва овозлар саналётганда сайлов қонуни бузилган сабабли округ сайлов комиссиялари район советларига сайлов ўтказувчи тўрт сайлов округида, шаҳар советларига сайлов ўтказувчи иккита ва қишлоқ советларига сайлов ўтказувчи учта сайлов округида сайловни беқор қилдилар. Номзодлар кетиб қолмиш муносабати билан 46 та сайлов округида сайлов бўлмади. Кўпи билан иккита депутатликка номзод овозга қўйилган 1,849 сайлов округида даъвогарлардан бирортаси ҳам сайловни учун зарур миқдорда овоз ололмади. Барча ана шундай ҳождларда иккита ой муддат ичида такрор сайлов ўтказилди.
Уч нафар ва ундан кўпроқ депутатликка номзод овозга қўйилган област советларида сайлов ўтказувчи 138 та, район советларида сайлов ўтказувчи 65 та, шаҳар советларида сайлов ўтказувчи 268 та, шаҳарлардаги район советларига сайлов ўтказувчи 78 та посёлка советларида сайлов ўтказувчи 25 та ҳамда қишлоқ советларига сайлов ўтказувчи 38 та сайлов округида

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи

Марказий сайлов комиссиясида

21 февраль кунини Тошкентда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови якунлари тўғрисида хабар ва сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари рўйхати матбуотда эълон қилинади.
Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисида тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган протоколларни кўриб чиқиб, 1990 йил 18 февралда сайланган 368 нафар Ўзбекистон ССР халқ депутатини рўйхатга олди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови якунлари тўғрисида

Марказий сайлов комиссиясининг АХБОРОТИ

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови натижалари тўғрисидаги протоколларни кўриб чиқиб, сайлов округларидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловига сайловчилар рўйхатига 10035180 киши киритилганлигини, овоз беришда 9385740 киши ёки 93,5 фоиз қатнашганлигини маълум қилди.

Қоракалноғистон АССРда овоз беришда сайловчиларнинг 98,3 фоизи, Андижон областида — 96,1 фоизи, Бухоро областида — 92,6 фоизи, Қашқадарь областида — 96,0 фоизи, Наманган областида — 98,1 фоизи, Самар қанд областида — 95,5 фоизи, Сурхондарь областида — 95,0 фоизи, Сирдарь областида — 97,6 фоизи, Тошкент областида — 91,4 фоизи, Фаргона областида — 95,3 фоизи, Хоразм областида — 97,3 фоизи ва Тошкент шаҳрида — 80,5 фоизи қатнашди.
Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш учун 500 та сайлов округи тuzилган эди. Уларда 1094 депутатликка номзод овозга қўйилди. Шундан сайлов бюллетенига 174 округда биттадан номзод, 177 округда иккитадан номзод, 149 округда учта ва ундан кўпроқ номзод киритилган эди.
499 та сайлов округида сайлов бўлиб ўтди. 368 округда халқ депутатлари сайланди. Ҳар бирда иккитадан ортиқ номзод овозга қўйилган ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган 95 округда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонуниинг 52-моддасига мувофиқ такрорий овоз бериш ўтказилди.
Депутатликка 1-2 номзод овозга қўйилган 36 сайлов округида номзодлар сайловчилар овозининг зарур миқдорини ололмадилар ва депутатликка сайланмадилар.
Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси

СССР МУДОҒАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1990 йил 23 ФЕВРАЛЬ
Солдат ва матрос, сержант ва старшина, прапорщик ва млчман, офицер, генерал ва адмирал ўртоқлари!
Уруш, меҳнат ва СССР Қуролли кучларининг ветеранлари, ўртоқлар!
Совет халқи ва унинг жангчилари бугун Совет Армияси ҳамда Ҳарбий-Денгиз Флотининг 72 йиллигини байрам қилмоқдалар.
Бу байрам сиёсий, иқтисодий-иқтисодий ва маънавий соҳалардаги чуқур ўзгаришлар, совет жамиятининг бутун турмуши янгиланган мамлакатимиз учун маълумоти даражасида ишончланмоқда. Социализм ўзининг чинакам халқлик ва инсонпарвар қийфасига қайта эришмоқда.
Халқаро муносабатларда янгида сиёсий фикр-наш ҳовларни нақил қарор топаётганлиги натижада муҳолифлик, ишончсизлик ва шубҳа ўринини ҳамжиҳатлик ва муноқот эгалланмоқда. Мурокара жарайларни ривожланиб, хавфсизлик мустақамланмоқда. Бироқ, ҳаждоғда ижобий ўзгаришлар ҳозирча муқаррар тус олмади. Агрессия

манбалари тугатилмади. Уруш хавфи қамаяди, амамо ҳали тугатилмади.
СССР Қуролли кучлари бутун жамият билан биргалликда қайта қуришни амалга ошира бориб, Совет Давлатининг хавфсизлигини мустақам қарантилламоқда. Армия ва Флот жангчилари ўзларининг ватанпарварлиги ва конституцион бурчини юксак масъулият билан авд этмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастурини маълумламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар, айирмачилик, миллатчилик, экстремизм кўрinishларини қоралаб, ком-мунистик идеалларни қадрсизлаштиришга, совет Ҳарбий тарихини соддишларига уринишларга қатъийан қарши чиқмоқдалар.
Армия ва Флотда демократиклаш, маънавий муҳитни соғломлаштириш, ҳарбий хизматчилар ва улар оилалари аъзоларининг социал ҳимояланмишини кучайтириш жарайлари кенг авж олдирилди. СССР Қуролли кучлари мудоғаа Ҳарбий

166 КУНЛИК ВАЗНСИЗЛИКДАН СЎНГ

ЗВЕЗДИНИ ШАҲАРЧАСИ (Москва области), 21 февраль. (ТАСС мухбири А. Филиппов). Утган кунини «Союз ТМ-8» космик кемаси 166 кун космосда ишлаб, оппоқ кор билан қопланган чўлга қўнган эди. Бугун эса унинг командири А. Викторенко билан борт инженери А. Сербов совет ва чет эл журналистлари билан учрашди. Улар парвоздан сўнг космонавтларни тайёрлаш марказининг профилаторийсида медицина текширувидан ўтмоқдалар.
Космонавтлар парвозининг хусусиятлари ҳақида гапириб бердилар, ўзларининг дастлабки таассуротларини ўртоқлашдилар.
СССР Мудоғаа Министри Армия генерали Д. ЯЗОВ.

АРМИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ АЛОҚАСИ УЗИЛМАСДИР

72 йил аввал ташкил топган Совет Армияси совет кишилари тинч меҳнатини ҳимоя қилувчи мустақам қалқонга айланди. Туркстончи жангчилар жанговар ва сиёсий тайёргарликни муттасил ошириб бормоқдалар.
22 февраль кунини Тошкентда шаҳар жамоатчилиги вакилларининг Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.
Алишер Навоий номидаги республика Давлат академик

генерал-полковник И. В. Фуженко доклады қилди.
Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Р. Ф. Гуломов, Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси А. С. Морғасов иштирок этдилар.
Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун байрам конферти қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЙИҒИЛИШЛАР, МИТИНГЛАР, КУЧА ЮРИШЛАРИ ВА НАМОЯИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА
СССР Олий Советининг 1990 йил 20 февралдаги Баёнотида мувофиқ, шунингдек меҳнаткашларнинг қаттиқ жамоат тартибни ўрнатиш ва иттизомни мустақамлаш тўғрисидаги талаблари муносабати билан ҳамда намоийшлар ва юришларга экстремистлар ва жиноятчи усурлар қўйишнинг мумкинлигини, бу эса, ўз навбатида, демократия қарши хатти-ҳаракатларга, ўр-йиқитларга, ўт қўйишларга, зуравонлик ва одамларга қўпол тарзда тазийқ ўтказишга, уларни кўрқитиш факторига олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилди:
1. Республикадаги иқтимоий, шинга қадрар, кўча юришлари ва намоийшлар ўтказишга вақ-

оммевий тадбирлар ўтказишни тартибга солишга қарорларга тегишли ўзгаришлар киритсинлар.
3. Халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, барча жамоат ташкилотлари, жумладан норасмий ташкилотлар билан бевосита алоқа ўрнатсинлар ва ўтказилаётган
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. БУРЛОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКУЛБЕКОВА.
Тошкент шаҳри, 1990 йил 21 февраль.

Рассом
ижодхонасида

УСТАХОНАДА
МЕҲМОН БЎЛИШДИ



Низомий номидagi Тошкент давлат педагогика институтининг бадний графика факультетда ўрта мактаб ўқувчиларини тасарий санъат воситасида эстетик тарбиялаш борасида 15 йилдан бундан ортиб борилган ишлар натижасида маълум тажриба тўплаган.

Муаллимлар У. Сентова, М. Мусахўжаев ва Р. Халипов олиб бормоқда. Яқинда тўғарак иштирокчиларини ўз-ўзидан кўрсатган санъат арбоби, профессор Маллик Набиев устахонасида бўлиб, ижодкор билан суҳбатда бўлишди. Кўплаб тарихий ва замонавий мавзудаги етук гоголларнинг муаллифи жумҳуриятимиздаги турли музей ва кўргазма залларидан мустақиман ўрин олган «Абу Райхон Беруний» портрети, «XVII аср Самарқанд хунармандлари кўзгодини», «Спитамен кўзгодини» каби асарларнинг фотонусхаларини кўрсатиб, уларнинг яратилиш жа-

раини ҳақида батафсил гапириб берди. Болалар учун махсус тайёрланган кўргазмадаги қаторморт, манзараларни шарҳлаб, узоқ изланишлар маъсули бўлган, ҳали рангтасвир дастгоҳида турган, ниҳоят ажойиб бўлган «Захриддин Мухаммад Бобур портрети» намойиш этди. Урғушу ёш санъат ижтисомларида унутилмас таассуротлар қолдири.

Б. ТОҶИЕВ.

Суратда: профессор М. Набиев ўқувчиларини ўз ижод намуналарини билан таништирмоқда.

В. БОРУХОВ сурати.

• Инсон ахлоқи, одоби билан гўзал •

БҲШ ВАҚТЛАРИМДА кексалар, тенгқурлар билан кўпчилик гурунгда бўлиб турарман. Уларнинг гапларига қўлоқ солсангиз, жуда ақлли фикрлар чиқади. Шундай суҳбатлар чоғида ота-онанинг бари «Хозир фанат айрим ишлар эмас, балки иши улуглар ҳам» одоб доирасидан чиқиб кетганга ўхшайди. «Хозир фанат айрим ишлар эмас, балки иши улуглар ҳам» одоб доирасидан чиқиб кетганга ўхшайди. «Хозир фанат айрим ишлар эмас, балки иши улуглар ҳам» одоб доирасидан чиқиб кетганга ўхшайди.

қараб муносабатда бўлишни афзал кўрадиларлар кўлаймоқда. Танили шoir Расул Ҳамзатовнинг шундай ибораси сўзи бор: «Хозир ҳам иши улугларни кутиб турайлик» дейди. Хозир катталар кимлар? Авваллари катталар деб кўп дарё кечганларни, кўп йил ҳаёт кечирганларни, кўп юлдузларни кўрганларни айтишарди. Хозир «катта» деб лавозимдаги кишиларни айтишарди. Лавозим сизини, бу қандай ҳол?

Хуш кечар умрим меннинг чин дўсту аҳлобим билан, Дўсту аҳлобим билан. Ҳар биримиз учун энг азиз, энг муътабар, энг улуг зот ота-онадир. Биз ота-оналаримиз олдида ўзимизни ҳамини қардор деб ҳисоблаймиз. Уларнинг ақоибидан нуроний сиймоси олдида ҳамини иззат-ҳурмат, меҳр-муҳаббат ва садоят билан буюб эгамиз. Ҳар ота-оналарини севмаган, ҳурмат қилмаган фарзандлар бошқа ота-оналарни иззат қилишга қодир эмаслар.

Диний ақидаларда кўпчилик кишиларни софдиллик, покизалик, ахлоқ ва масъулият бўлишга, биринини ҳақиқат ҳисоб қилмаслик, рост-ўқ, ҳождатбор бўлишга қаратилган таълим берилган. Бундай қондаларга риоя қилиш ахлоқ ва одобимиз моҳиятига мос келмади. Партиямиз программасида шундай сўзлар ифода этилган: «Бизнинг ахлоқимиз умуминсоний маънавий бойликларини ҳам, кишиларнинг ахлоқий нормаларини ва улар ўртасида ахлоқий қароликни, озодлик ва социал тенглик, бахт-саодат ва тинчлик учун кўп асрлик кураш жараёнида халқ оmmas яратган муносабатларини ҳам ўз ичига олади».

Диний ақидаларда кўпчилик кишиларни софдиллик, покизалик, ахлоқ ва масъулият бўлишга, биринини ҳақиқат ҳисоб қилмаслик, рост-ўқ, ҳождатбор бўлишга қаратилган таълим берилган. Бундай қондаларга риоя қилиш ахлоқ ва одобимиз моҳиятига мос келмади. Партиямиз программасида шундай сўзлар ифода этилган: «Бизнинг ахлоқимиз умуминсоний маънавий бойликларини ҳам, кишиларнинг ахлоқий нормаларини ва улар ўртасида ахлоқий қароликни, озодлик ва социал тенглик, бахт-саодат ва тинчлик учун кўп асрлик кураш жараёнида халқ оmmas яратган муносабатларини ҳам ўз ичига олади».

Ҳар тўғрида

МЎҲИМЗА БУЛИБ ТУЮЛГАНДИ

Кўнлардан бир кунини Наполеон III янги камзул кийди. Уни камзулининг тугмалари жуда қувонтирди, чунки, Наполеоннинг камзулидаги тугмалар жуда ҳам ажойиб металлдан қилинган эди. «Кимматбах ва кўркам бундай тугмалар Европанинг ҳеч бир ҳокимида бўлмас керак», деб ўйлади у. Кумушдек товланиб турган бу кимматбах тугмалар, албатта, сарф ақлининг эътиборидан четда қолмади. Уларга сарой кишиларининггина эмас, шу билан бирга, синчков элчиларнинг ҳам нигоҳи жаъб бўлди.

Бирок, Наполеон камзулининг тугмалари ўша замон учун нодир элемент ҳисобланган алюминийдан эканлигини жуда камдан-кам кишиларгагина маълум эди. Олим ва инженерларнинг самарали тадқиқотлари натижасида 1827 йили биринчи марта озгина алюминий олишга муваффақ бўлинган эди.

ЮРАК ДАМ ОЛАДИМИ?

ОДАМНИНГ бир суткалик, яъни 24 соатлик умри, одатда уч қисмага бўлинади: бунинг бир қисми уйкуга, иккинчи қисми ишга, учинчи қисми эса дам олишга кетади. Физиологларнинг тадқиқошчи, сутканинг бундай тенг тақсимланиши табиат билан мос келган ҳолда содир бўлади.

Инсон юраги кишининг бутун ҳаёти бадаллаш ўтвотиси уриб туради. Шу нуқтан назардан қараганда юрак гўё ҳеч дам олмасдан ишлагандек бўлиб кўринади. Аслида эса бундай эмас. Юрак мускулини қон томирларига маълум миқдорда қон чиқариб берганидан кейин дам олади. Шундай қилиб юрак бир минутда 8-10 марта қисқариб-кенгайса, шунча марта дам ҳам олади.

Агар юракининг бир сутка давомида қисқариб-кенгайишига кетган вақтини қўшиб ҳисоблаб чиқилса, унда юрак бир суткада қанча вақт меҳнат қилганини аниқ бўлади. Маъшуқ олим И. М. Сеченовнинг ҳисобига кўра, юрак бир суткада 8 соатлар чамаси ишлар экан. Бундан, умуман юрак мускулининг иш вақти 8 соатдан ошмайди, деган хулосага келиш мумкин.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОСНАВИ
РЕСПУБЛИКА КОММЕРЦИЯ-АХБОРОТ
БИРЛАШМАСИ
1990 ЙИЛ 14 МАРТДАН 16 МАРТГАЧА
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасида
— ҳўжалик алоқалари ўрнатиш ва маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан корхоналар ўртасида шартномалар тузиш;
— корхоналар ва ташкилотлар томонидан ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг янги турларини реклама қилиш ва уларга нисбатан эҳтиёжларини шакллантириш бўйича

РЕСПУБЛИКА ЧАКАНА-САНОАТ
ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ

1990 ЙИЛ 16 МАРТ СОАТ 11.00 да
эҳтиёж катта бўлган ишлаб чиқариш-техника маҳсулотлари савдоси бўйича
КИМОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ
Кимошди савдо ярмаркаси ўтказиладиган жой: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 107-уй.
Кимошди савдо ярмаркасида қатнашиш ва жойларни брешлаштириб қўйиш учун аризалар билан қўйидаги асар таърифи ва театршунослик асослари), СССР тарихи, ишчи ёшиш малакасини ошириш машғулоти бўйича тайёрланади.

САНАЪАТ ИХЛОСМАНДАРИ, СИЗЛАР УЧУН!
АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОИНИ
3 ОЙЛИК ВА 5 ОЙЛИК
ПУЛЛИ ТАЙЕРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсига қабул қилинганлар саҳна нутқи ва ҳаракати, клуб сценарийи ва режиссура, актёрлик маҳорати ва режиссура (масал, ҳикоя, шеър, рақс, қўшиқ, этюд, монолог, драматик асар таҳлили ва театршунослик асослари), СССР тарихи, ишчи ёшиш малакасини ошириш машғулоти бўйича тайёрланади.
Амалий машғулотлар катта саҳналарда Ўзбекистон телевиденисининг кўрсатувларида қатнашган ҳолда олиб борилади.
Машғулотларни Маданият институтининг ўқитувчилари ва Ўзбекистон телевиденисининг етакчи режиссёрлари олиб борилади.
МАШЎУЛОТЛАР КУНДУЗИГА ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРИГА 26 ФЕВРАЛДА БОШЛанаДИ.
Қабул ҳар кун соат 17 дан 21.00 гача.
Адрес: Тошкент шаҳри, Авиасозлар шаҳарчаси, Авиасозлар маданият саройи, 2-қават, 80-хона, метронинг «Чкалов» станциясигача борилади. Телефон 98-55-81.

ШАХСИЙ УЙЛАРДА ЯШОВЧИ АҲОЛИ
ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

Шаҳар водопровидан 1 кишига бир ойда сарфланадиган ичимлик сув нормаларини МАЪЪЛУМ ҚИЛАДИ.
— ҳўли водопровод колонкаси — 2,3 м³;
— шаҳар канализациясига уланмаган ички водопровод тармоғи (раковина) — 3,0 м³;
— шаҳар канализациясига уланган айнан ўша водопровод тармоғи — 3,5 м³;
— шаҳар канализациясига уланмаган раковина, ванна ёки ҳаммом билан бирга ички водопровод тармоғи — 5,3 м³;
— шаҳар канализациясига уланган айнан ўша водопровод тармоғи — 6,1 м³;
— шаҳар канализациясига уланмаган раковина, ванна ёки ҳаммом, унитаз билан бирга ички водопровод тармоғи — 6,8 м³;
— шаҳар канализациясига уланган айнан ўша водопровод тармоғи — 7,0 м³;
— унитаз — 1,5 м³;
Қўидаги ҳолларда:
— ёзи душ — кишига ойнга 1,8 м³ (1 июндан то 1 сентябргача);
— енгил машина — 1,8 м³;
— суғориш майдони — 1 мавсумда (15 апрелдан то 15 октябргача) 1 м² га — 4,5 м³.
Ерларни фанат Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва «Водоканал» трестининг руҳсати билангина суғориш мумкин.
Тариф — 1 м³ сув учун — 0-04 тийин.
1 м³ канализация учун — 0-02 тийин.
ЭСДА ТУТИНГ: ичимлик сувдан фойдаланиш ва канализация хизмати ҳақлари ўз муддатда тўланимаган тақдирда водопровод қўшимча оғоҳлантирмай турб бекитиб қўйилади.
Қўидагилар қатъий таъқиқланади:
— томорча ерлари ва ишл ниҳолларни водопровод суви билан суғориш, йўлқалар, майдонлар, хёбонларга ичимлик водопровод сувини сепиш!

Маълумотлар учун телефонлар — 56-62-45, 56-61-25.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/II да А. Қодирийнинг ўтган йўнлари (19.00), 25/II да Келинлар йўзголини (19.00).
ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/II да Шанба оқшони программаси: Гўзаллар ва миршаблар, Драма актёрлари кўйлайди. Фармонбўи аразлади (18.00), 25/II да Отасининг қизини (18.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Польшанинг «Варшава» цирки ва совет цирки усталининг гастроллари (24/II да 16. 19.00; 25/II да 12, 15, 18.00).

ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАР—
УМР БЕЗАГИ

Бундан демоқчимизки, инсондаги ноиб одоб, одамгарчилик, гамхўрлик, ҳамдардлик каби олижаноб сифатларга раҳна солишга уриниш эскичагига айтганда гувоҳдир.
Антон Павлович Чехов ибораси билан айтганда: «Инсонда ҳамма нарса: қиёфаси, кийими, қалби ва фикри ҳам гўзал бўлиши керак». Одобли кишилар инсон шахсини ҳурматлайдилар. Улар одатда ноиб табиилати, хушмуомала бўлидилар. Улар ёлгончиликдан, сохталикдан, гаразгүйликдан, хўшмадгүйликдан ҳазар қилдилар.
Тарбияли инсон бўлмоқ учун ҳар бир киши ижтимоий фойдални меҳнат қилиши, ўз устида мунтазам ишлаши, доимо ўзинга нисбатан талабчан бўлиши лозим. Шундагина у ўз одоби билан яхши дўстлар ортиради.
Япон халқида «Ёки йил якуни ортирадиган дўстлар қараб баҳолашди» деган нақд бор. Дўстлар меҳорибатли, обрў-эътиборли бўлсалар, унинг обрўсига обрў қўшилади. Собир Абдулла шундай деган эди:

ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАР—
УМР БЕЗАГИ

майди, дейсан. Шу ўринда шoirимиз Мансуд Шайхондин сузаларни эсласак жонб бўлади:
Дўстлар яхшиларини авайлаб сақланг,
Салом деган сузинг салмонин оқланг,
Улганда ўз соат йилгаб тургандан
Уни тириндига бир соат йўнланг!
Шаҳримиздаги дорихоналардан бирда Улуг Ватан урушида қатнашган, меҳнат ветеранлари учун алоҳида хона ажратилган. Хонада телевизор, радио, газета-журналлар бор. Чой ҳам берилади. Кексалар ўз дорилари тайёр бўлгунча доимилар эътибордан шундай баҳрамандлар. Пенза вилоятида эса кам пенсия оладиган кишиларнинг уйларига иссиқ овқат олиб бериб бериш ташкили этилган. Бундай ишолар инсонни совиш ва унга гамхўрлик қилишдан далолатлар.
Қабулга келган одамнинг ҳурматиини ўзинга қўйиш, унинг арзига қўлоқ солиш, унинг аздлик билан ҳал қилиш, инсонга бўлган меҳрин билдириш — тарбия кўрган хо-

КОЛЬ
МУРОЖААТИ

БЕРЛИН. Христиан-демократлар иттифоқи, Германия социал иттифоқи ва «Демократик ёриб ўтиш партиялари сайловдан курашини олиб бориш учун 5 февралда ўзаро иттифок тузган эдилар. Эрфурт шаҳрида янги иттифокнинг, Германия учун уюшмакини сайловдан мининг бўлди. Эрфурт шаҳрини ўз ичига қамчи аҳолиси ва меҳмонлари Тюрингиядаги шу қадимий шаҳар марказий майдонига тўланди.
ГФР федерал канцлери Гельмут Коль тўланларга муножаат қилиб, Фарбий Германиядаги минглар савдо-саноат эгалари, шу жумладан хунармандлар ГФР иктисодийга ўз-маблагларини сарфлашга тайёр эканликларини айтди.

ЖИДДИЙ
ТАШВИШ

ДЕХЛИ. Ҳиндистон Бош министри Вишванат Претал Сингх Покистон ядро куралини яратиб бўсагасида турганлиги тўртинчидаги хабардан жиддий ташвиш билдириди. «Покистоннинг ядро давлатига айланиши региондаги вазиятга катта таъсир қилади», —

БЕЗОРИЛАР ЙИГИНИ

ВАРШАВА. Польша пойтахтининг маркази янги экстремистлар намойишлари майдонига айланди. Курашайтган «Бирдамлик» ва «Бирдамлик-80», «Анархистларнинг шаҳарлараро ташкилоти», «Польша мустақиллик тарафдорлари партияси» ҳамда бир қанча шунга ўхшаш ҳаракатлар ташаббуси билан маъмуллар билан келишилик, тинчлик намойиши деб аталган бу намо-

АРАЛАШ КОМИТЕТ МАЖЛИСИ

БЕЛГРАД. Бу ерда ЮСФР ҳамда Европа эркин савдо уюшмаси вакиллари аралаш комитетининг мажлиси бўлди. Музокаралар чоғида комитет сийбаси ва иктисодий соҳаларда Югославияда амалга оширилатган ислохотлар ҳақида хабардор қилинди. Бу жараёнда аралаш комитетининг сийбаси фикрларини қилма-қиллиги, ҳўжалик юртишнинг бозор принципларига асосланган замонавий демократик давлатга айлантиришга қарати ганлиги таъкидланди.
Югославия иктисодийетини қайтадан ташкил этиш учун Европа эркин савдо уюшмасига аъзо бўлган мамлакатларнинг юз миллион Америке доллар миқдориндаги фондида асос солинганлиги маълум қилинди.
(ТАСС, 21 февраль).

ХАТЛАРДАН
САТРАП

БҲСТОНЛИК. Виз товоқсойликлар поселянамизда Вилдан-Йилга аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхшиланиб боратганлигидан мамнунмиз. Айниқса, кекса-кекиш қолганида кунингга ярайдиганлар, мушкулнинг осон қиладиганлардан кўнгл шодлар экан. 59—16 дорихона ходими Убайдулла Пулатов худди ана шундай инсонлардан. У қачон муружат қилмайдик жонимизга оро кирмоқда. Ундан миннатдоримиз.
А. АМЕТОВ,
Т. ФЕНИНА,
Улуг Ватан уруши қатнашчилари.
М. НОСИРОВА,
Қаҳрамон она.
А. ЗОТОВ,
Улуг Ватан уруши инавалиди.
ЯНГИЙУЛ. Вилот кўз касалликлари шифокори Манзурахов Бекова малакаи врач сифатида ҳам, ширинсухан, камтар инсон сифатида ҳам беморлар ҳурматиини қозонмоқда. У яқинда менинг кўзимни операция қилди, борлиқни ҳўдди, илгарийдек тиниқ, равшан кўрляман. Шифокорга чин қўнгиладан раҳмат дейман.
А. АШИРМАТОВ.

ОҚ УЙДА УЧРАШУВ

ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Жорж Буш расмий амалий ташриф билан АҚШга келган Чехословакия Президенти Вацлав Гавел билан Оқ уйда учрашди.
Буш шу кун Чехословакияга нисбатан Жексон-Вник тузатишининг амал қилишини бекор қилиш ҳақида конгресс-

ОҚ УЙДА УЧРАШУВ

ни хабардор қилувчи мактубни ишловганини айтди. «Чехословакияда нималар бўлганлигини тушунириб бериш учун, ўз нуқтан назаримизни, сийбасимизни тушутириб бериш учун бу ерга келиш имкониятига эга бўлганимдан жуда хурсандман», деди В. Гавел.

БИЗНИНГ АДРЕС:

700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД Кў-
ЧАСИ, 32.

МУХАРРИР УРИНБОСАРЛАРИ

Муҳаррир уринбосарлари — 335885, 325747, 337916; масъул ноиб — 334808, 325353; масъул котиб уринбосарлари — 325750; БҲЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; сонал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

МУХАРРИР УРИНБОСАРЛАРИ

Муҳаррир уринбосарлари — 335885, 325747, 337916; масъул ноиб — 334808, 325353; масъул котиб уринбосарлари — 325750; БҲЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; сонал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.